

## **ЯРАШУВ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич,**

Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиали Жиноят-ҳуқуқий  
фанлар кафедраси ўқитувчиси,  
E-mail: jahongirbuxoro@gmail.com

**Ниёзов Комилжон Носиржон ўғли,**

Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиали  
3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568119>

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида амалга оширган суд ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, жиноят қонунчилиги янада либераллаштирилди.

Ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК), Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида жиноят қонунчилигига ярашув институти киритилиб, жиноят йўлига адашиб кириб қолган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг айрим турларини содир этган шахсларга нисбатан ярашув институти қўлланиб, ушбу шахслар жабрланувчига етказилган зарарни қопласа ва у билан ярашса жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Ислоҳотлар давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш иккинчи устувор йўналиш сифатида белгиланди[1]. Давлат ва жамиятни тубдан модернизация қилишда, дастлаб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Шунингдек, 2020 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтилганидек, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди[2].

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида стратегик аҳамиятга эга муҳим қадам ташланди.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан мақсад эса фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишдир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш

борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, ярашув институтини қўллаш, ярашув билан боғлиқ ишларни юритиш ва кўришда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ярашув билан боғлиқ ишларни Жиноят-поцессуал қонунчилигига мувофиқ тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш жараёнида ишлар бўйича процессуал чиқимларни ундиришга оид камчиликларни кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.11.2009 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорида ҳам жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундиришга оид суд амалиёти натижаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мазкур масала юзасидан судлар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини назарда тутган[3].

Қарорда судлар томонидан жиноят иши бўйича сарф қилинган процессуал чиқимларни ундиришда зарур чоралар кўрилмаётганлиги, дастлабки тергов органларидан айблов хулосасига улар томонидан сарф қилинган процессуал чиқимлар тури ва миқдори тўғрисида маълумотномаларни илова қилиш талаб этилмаётганлиги, ундирилиши лозим бўлган процессуал чиқимлар етарли асосларсиз давлат ҳисобига ўтказилаётганлиги ва бошқа қатор камчиликлар келтириб ўтилган.

Шунингдек, Судлар томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 471-моддаси [3 бандива320-моддаси](#) талабини бузиб, қатор ҳолларда процессуал чиқимлар кимга ва қанча миқдорда юкланиши лозимлигини ҳал этилмасдан қолаётганлиги, баъзан шундай ҳолатларда Жиноят-процессуал эмас, балки Фуқаролик процессуал кодексига амал қилинаётганлиги, айрим ҳолларда эса процессуал чиқимларни давлат фойдасига эмас, балки муайян шахслар ёки ташкилотлар фойдасига ундириш, иш бўйича бир неча шахс судланганда процессуал чиқимларни ҳиссали эмас, балки солидар тартибда ундириш ҳолатлар кузатилаётганлиги баён этилган[3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (ЖПК) 380-моддасига кўра айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги ёки у уй қамоғида бўлганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъво ва таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши белгиланган[4].

ЖПКнинг 381<sup>12</sup>-моддаси 3-қисмида айблов далолатномасига суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг яшаш жойи кўрсатилган рўйхати, шунингдек, гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қанча вақт қамоққа олиш ёки уй қамоғи тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлиги, ашёвий далиллар, ҳукмнинг фуқаровий даъво ва бошқа мулкый ундиришлар бўйича қисми ижросини таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши айтилган[5].

Жиноят ппроцессуал қонунчиликка мувофиқ ярашув билан ишни тугатиш ҳам суриштирув ва дастлабки терговни тамомлаш турларидан бири ҳисобланади.

ЖПКнинг 372-моддаси (Дастлабки терговни тамомлаш турлари)да дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви

учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади дейилган[6].

ЖПКнинг 381<sup>10</sup>-модда (Суриштирувни тамомлаш турлари)сига кўра суриштирув жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов далолатномаси, ишни тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади[7].

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни ўз ичига олувчи ЖПКнинг 62-бобини таҳлил қиладиган бўлсак, ярашув билан боғлиқ ишларни тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш жараёнида процессуал чиқимларни ундиришга оид қоидалар белгиланмаганлигини кўраимиз. Жиноят процессуал кодексининг 584-моддасида жиноят ишини судга юбориш тартиб ва чиқарилган қарорнинг мазмуни берилган. Ушбу модданинг 1-қисмида судга юбориш тўғрисида чиқарилган қарорга асосан иш судга юборилиши назарда тутилган. Кўриниб турибдики, ушбу модда тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарорга илова қилинадиган ҳужжатлар ёки бўлмаса процессуал чиқимлар тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши белгиланмаган.

Бундан ташқари Жиноят-процессуал қонунчилигимизда процессуал чиқимларни кимдан ва кимнинг фойдасига ундириш лозимлиги белгилаб қўйилмаган.

Бу эса ўз навбатида жиноят ишларини ярашув билан тамомланганда иш бўйича процессуал чиқимларнинг ундирилмасдан қолишига олиб келмоқда.

Шундай экан жиноят иши суриштирув ва дастлабки терговда ярашув асосида судга юборилганда ЖПКнинг 380, 381<sup>12</sup>-моддаси 3-қисмида назарда тутилган қоидалар каби ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарорга ҳам процессуал чиқимлар ва бошқа зарур маълумотларни илова қилиш зарурлигини амалиётга жорий этиб, мазкур тартибни ҳам ЖПКнинг 583-моддасига алоҳида қисм сифатида киритиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ярашувни қўллаш, шунингдек, ярашув билан боғлиқ ишларни юритишдаги мазкур муаммолар ва камчиликларнинг бартараф этилиши, процессуал чиқимларни ундирилмасдан қолдирилишини олдини олишга, ярашув бўйича иш юритиш тартибининг жиноят процессуал қонунчилигимизда янада мустаҳкамланишига имкон беради.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги, ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь кунидаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарори ги. – Тошкент, 2009 й. 24 ноябрь. <https://lex.uz/docs/1616840>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 380-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-373-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 36-сон, 452-модда, <https://lex.uz/docs/111460#255783>
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 38112-моддаси 3-қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 372-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-193-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 509-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 38110-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда.
8. Шукуров, Ж. (2022). Ўзбекистонда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишнинг назарий таҳлили.
9. Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич. (2022). Ярашув институтининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(2), 184–189. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icmsss/article/view/388>
10. Furqat o'g'li, Y. M. (2022). Role of decisions of the plenum of the SUPREME court of the republic of uzbekistan in criminal court proceedings. Conferencea, 123-132.
11. Furqat o'g'li, Y. M., & Muhammadnazar o'g'li, M. O. (2022, October). Issues of liability in the criminal code of foreign countries for looting the property of others using computer tools. In Archive of Conferences (pp. 207-211).
12. Ж.Р.Шукуров, ГЗ Тулаганова, ДБ Базарова.Ўзбекистон Республикасида Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш. Ўқув-қўлланма.-Т: ТДЮУ нашрети,2022.